

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.01.2020. Ped. 26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**МАХМУДОВА МАДИНАХОН СОБИРХООНОВА**

**БЎЛАЖАК ЛОГОПЕДЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**13.00.03-Махсус педагогика**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
Pedagogical Sciences**

**Махмудова Мадинахон Собирхоновна**

Бўлажак логопедларни тайёрлашда мустақил таълим самарадорлигини  
ошириш..... 3

**Махмудова Мадинахон Сабирхановна**

Повышение эффективности самостоятельного образования в подготовке  
будущих логопедов..... 20

**Makhmudova Madinakhon Sabirkhanovna**

Improving the effectiveness of independent learning in the training of future  
speech therapists..... 38

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works . . . . . 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.01.2020. Ped. 26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**МАХМУДОВА МАДИНАХОН СОБИРХОНОВНА**

**БЎЛАЖАК ЛОГОПЕДЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**13.00.03-Махсус педагогика**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент -2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида B2020.2.PhD/Ped1586. рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Кўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tgpu.uz](http://www.tgpu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Аюпова Мукаррам Юлдашевна**  
педагогика фанлари нозоди, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қодирова Феруза Усмановна**  
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

**Шокирова Шахноза Дилмуродовна**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент в/б

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 202\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-75-87; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 202\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Б.С.Абдуллаева**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Р.Г.Исянов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**Л.Р.Муминова**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон олий таълим муассасаларида бўлажак дефектологларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш технологиялари, мотивацион коррекциялаш механизмлари амалиётга татбиқ қилинмоқда. ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган Инчхон декларацияси асосида инсонларнинг умр бўйи таълим олишини таъминлашга қаратилган вазифалар асосида соғлом инсонлар каби имконияти чекланган болалар таълимини сифатли ташкил этиш ва интенсив ривожлантириш, мустақил таълим самарадорлигини ошириш, бўлажак дефектологларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни татбиқ қилишга оид тизимли ишлар амалга оширилмоқда<sup>1</sup>.

Жаҳоннинг етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ўқув технологияларини ривожлантириш, мустақил таълим самарадорлигини ошириш, бўлажак дефектолог-кадрларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. АҚШ, Германия, Япония, Россияда бўлажак дефектологларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда вариатив ёндашувлардан самарали фойдаланиш, мазмунан модернизациялашган мустақил таълим воситасида коррекцион таълимга тайёрлаш, олий таълимда касбий мотивацияни ривожлантиришнинг дидактик таъминотини яратиш, рақобатбардош дефектологларни тайёрлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларни ўқитиш технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда, сўнгги йилларда олий таълим мазмунини хорижий тенденциялар асосида такомиллаштириш, таълим олувчиларда касбий мотивацияни ривожлантиришнинг самарали технологияларини татбиқ қилиш, мустақил таълим жараёнида талабалар фаолиятини инновацион ёндашувлар асосида ташкил қилишнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Таълимнинг барча бўғини ва турлари қаторида олий таълим тизимини тубдан яхшилаш, бу жараёнга инновацион технологияларни олиб кириш”<sup>2</sup> устувор вазифалар сифатида белгиланди. Натижада, мустақил таълим самарадорлигини ошириш, бўлажак дефектологларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш учун кенг имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан

<sup>1</sup> <https://education-uzb.pdf/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонлари, 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4860-сон “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз олимлари Б.С.Абдуллаева, О.А.Абдуқудусов, М.Аюпова, У.Ш.Бегимқулов, Ж.Бўронов, В.У.Ёдгоров, С.Ю.Махмудов, Н.Муслимов, Л.Мўминова, Д.Назарова, Д.Нуркелдиева, Н.Рахмонқулова, Б.Сатторова, А.Холиқов, Ш.С.Шодмонова, Д.Якубжонова, М.Ҳакимовалар олий таълим тизимида ўқитишнинг турли шаклларида бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг концептуал жиҳатларини тадқиқ қилишган.

Олий таълимда бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда мустақил таълимни ташкил қилиш масалалари В.Андреев, С.М.Булавина, В.Б. Большов, В.Й.Гусева, М.Е.Дмитриев, Б.П.Есипов, Я.А.Каменский, Н.Н.Крижевская, Н.В.Кузмина, В.М.Максименко, Л.М.Митина, Н.А.Одинакова, Л.А.Осипова, М.В.Перова, П.И.Пидкасистий, Е.И.Рогов, Г.К.Селевко, В.А.Слестенин, Р.Б.Срод, П.В.Суханов, Н.В.Тарасова, В.Д.Шадриков, Л.В.Цигановалар томонидан тадқиқ этилган.

Бўлажак мутахассисларнинг мустақил таълим даврида касбий компетенцияларини ривожлантиришга оид педагогик-психологик муаммолар ва педагогик технологияларни татбиқ қилишга оид тавсиялар хорижий тадқиқотлар тажрибасида S.Boyko, H.Brown, E.B.Dangauzer, C.Forlin, H.Glane, L.Gladun, M.I.Moro, T.B. Rixter, I.E.Unt, M.A.Veytларнинг илмий-тадқиқотларида ўз аксини топган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИТД-1-61-рақамли “Дефектология таълим йўналиши бўйича бакалавр ва магистрларни тайёрлаш жараёнига инновацион таълим моделларини татбиқ этиш” лойиҳаси доирасида бажарилган (2013-2014йй.)

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак логопедларни тайёрлашда мустақил таълим самарадорлигини ошириш технологияларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

муаммога доир илмий-методик адабиётлар, миллий ва хорижий тажрибаларни педагогик ва психологик таҳлил қилиш;

бўлажак логопедларни тайёрлашда мустақил таълим самарадорлигини оширишнинг ижтимоий-педагогик жиҳатларини аниқлаш;

талабаларнинг ахборот билан мустақил ишлаш ҳамда касбий фаолиятга доир кўникма ва малакаларини интенсив ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш;

мустақил таълим жараёнида бўлажак логопедларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш моделини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бўлажак логопедларни тайёрлашда мустақил таълим самарадорлигини ошириш технологияларини такомиллаштириш жараёни танланган бўлиб, тажриба-синов ишларида Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах ва Қўқон давлат педагогика институтларининг 150 нафар талабалари иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни бўлажак логопедларни тайёрлашда мустақил таълим самарадорлигини ошириш технологиялари, шакл ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат); педагогик тажриба-синов, натижаларни математик ва статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

логопедия ўқув модули таркибидаги мустақил таълим мазмуни дидактик-модулли коррекцион таълим амалиёти талабаларининг ақлий фаоллик компетенцияларини комплекс ривожлантиришга қаратилган дифференциявий адаптивликни таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак логопедларнинг касбий мотивациясини лойиҳалаштиришнинг вариатив, коррекцион-педагогик элементлари интеллектуал-ижодий ва коррекцион-ривожлантирувчи визуал характердаги машғулотларни ташкил этиш орқали такомиллаштирилган;

олий таълим жараёнида талабаларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш модели инклюзив таълимнинг лойиҳа, ахборот билан ишлаш технологияларининг когнитив хусусиятлари, қулай ҳаракатланиш динамикасининг аудиториядан ташқари фаолиятини ташкил қилиш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак логопедларнинг касбий компетенциялари мустақил таълим жараёнида интенсив ривожлантириш инклюзив таълим самарадорлигини оширишга қаратилган тренинглар мажмуини “My test”, “Auto play”, “I spring” дастурлари имкониятларини намоёйиш қилиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

олий дефектологик таълимда бўлажак логопедларнинг касбий компетенцияларини мустақил таълим жараёнида ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик, психологик-мотивацион, умумдидактик ва ўзига хос хусусиятлари, самарали омиллари, тамойиллари аниқланган;

талабаларнинг касбий фаолиятга тайёрлик мезонлари ҳамда уларга мустақил таълим даврида эришганлик даражаларини таҳлил қилишнинг амалий йўналган индикаторлари аниқланган;

“Логопедия” ўқув модули асосида талабаларнинг мустақил таълимни ташкил қилишнинг самарали методик тизими” ҳамда “Касбий фаолиятга мотивацион-методик йўналган мутахассис” номли моделлар таркиби ва мазмуни аниқланган;

бўлажак логопедларнинг касбий компетенцияларини мустақил таълим жараёнида ривожлантириш технологиялари, вариатив ёндашувлари илмий-амалий асосланган ҳолда модул ўқув дастури ва ўқув-методик мажмуаси мазмунига сингдирилган, тренинглари мажмуи ишлаб чиқилган; касбий фаолиятга тайёр бўлишга мўлжалланган мавзуларни ўзида акс эттирган махсус курс дастури такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** амалиётга татбиқ этилган илмий-методик ёндашувлар, технологияларнинг мамлакатимиз ва хорижда амалга оширилган умумий ҳамда коррекцион педагогикага оид илмий тадқиқотларга, олий таълим амалиётига боғлиқ илғор тажрибаларга асосланганлиги, тадқиқот мақсади, вазифаларига мос келувчи, бир-бирини тўлдирувчи назарий ва амалий методларнинг қўлланганлиги, тажриба-синов ишларининг ҳаққонийлиги, олинган натижаларнинг математик-статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги, тадқиқот натижаларининг ваколатли давлат таълим ташкилотлари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, талабаларнинг мустақил таълимни самарали ташкил қилишга оид хорижий ва миллий тажрибаларнинг таҳлил этилганлиги, талабаларнинг аудиториядан ташқари фаолиятини ташкил қилишнинг ижтимоий, педагогик, психологик тузилмаси ҳамда методик таъминоти табақалаштирилгани, шахсга йўналтирилган ёндашувларга асосланган ҳолда модернизациялангани, талабаларда касбий ўқувлар, кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг самарали йўллари ва омиллари аниқланиб, бўлажак логопедларни касбий фаолиятни лойиҳалаштириш, мониторинг қилиш, методик режалаштириш ва бойитишга тайёрлайдиган стратегия, технологиялар ҳамда уларнинг трансформациялари татбиқ этилгани, ахборот муҳитида қулай ҳаракатланиш тажрибаларининг йўлга қўйилгани билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сифатли логопедик хизматни амалга ошириш орқали инклюзив таълимга эришиш бўйича таклифлар махсус таълим йўналишидаги Республика анъанавий август кенгашлари мазмунини ишлаб чиқишда инобатга олингани, натижада, инклюзив таълимни ташкил этишда логопедик хизматнинг аҳамияти кенг оммага тарғиб этилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак дефектологларда касбий компетенцияларни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот натижалари асосида:

“Логопедия” ўқув модули таркибидаги мустақил таълим мазмуни коррекцион таълим амалиёти талабаларини назарий ва амалий машғулотлар

мазмунига адаптивлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида “Логопедия (Товушлар талаффузидаги камчиликлар)” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сонли буйруғи асосида берилган 522-103-сон гувоҳнома). Натижада, талабаларнинг логопедия модули мавзуларини мустақил ўзлаштириш жараёни самарадорлигини оширишга эришилган;

мустақил таълимни ташкил қилиш механизмлари бўлажак логопедларнинг касбий мотивациясини ривожлантиришнинг вариатив ёндашувларига коррекцион-педагогик импровизация элементларини уйғунлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида “Логопедия (Товушлар талаффузидаги камчиликлар)” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-103-сон гувоҳномаси). Натижада, талабаларнинг логопедия модули мавзуларини мустақил ўзлаштириш самарадорлиги оширилган;

олий таълим жараёнида талабаларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш модели инновацион таълим муҳити тамойиллари ҳамда лойиҳа, ахборот билан ишлаш технологияларининг ўзаро трансформацияси асосида модернизациялашга оид таклифлар ИТД-1-61-рақамли “Дефектология таълим йўналиши бўйича бакалавр ва магистрларни тайёрлаш жараёнига замонавий таълим моделлари таъсирини тадқиқ этиш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 89-03-4236-сон маълумотномаси). Натижада, мустақил таълим самарадорлигини ошириш асосида бўлажак дефектологларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш технологияларининг дидактик таъминоти такомиллаштирилган;

бўлажак логопедларнинг касбий компетенцияларини мустақил таълим жараёнида интенсив ривожлантиришга оид замонавий ёндашувлар ҳамда инновацион технологияларни амалиётга жорий қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар асосида “Логопедия (Товушлар талаффузидаги камчиликлар)” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сонли буйруғи асосида берилган 522-103-сон гувоҳнома). Натижада, талабаларнинг касбий фаолиятга тайёрлашнинг замонавий шаклларини амалиётга татбиқ этиш имконияти кенгайтирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 149 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг биринчи боби **“Олий дефектологик таълим жараёнида мустақил таълим самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган бўлиб, унда муаммонинг илмий-методик адабиётларда ёритилиши ҳамда хорижий тажрибалар шарҳи баён этилган. Бўлажак логопедларда касбий фаолиятда қулай ҳаракатланиш имконини берувчи кўникма ва малакаларни ҳамда ижтимоий, коммуникатив, инфорацион компетенцияларни ривожлантириш зарурати долзарб саналмоқда. Бўлажак логопедларда коррекцион-педагогик жараённи нафақат лойиҳалаштириш, балки уни самарали бошқариш, давлатнинг таълимга ижтимоий буюртмасини қадрият даражасида тушуниш кўникмаларини ривожлантиришда “Логопедия” модули таркибидаги мустақил таълим мазмунини модернизациялаш, таълим шаклларини трансформациялаш муҳим омил ҳисобланади.

Мустақил таълим жараёнида инновацион технологияларни қўллаш орқали бўлажак логопедларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш масаласининг ҳал этилиши махсус педагогиканинг мақсади, вазифалари ва методологик асослари билан уйғунлашади. Махсус педагогикада эса, “қадрият”, “меҳр-шафқат” ва “сабр-тоқат” тушунчалари соҳанинг инсонпарвар тамойилларга асосланганлигидан далолат беради. Бу билан боғлиқ равишда, тадқиқотда логопедларнинг касбий тайёргарлигига амалий, методик, психологик, ижтимоий контекстларда ёндашишга устуворлик берилди ва Л.В.Голишнинг рақобатбардош мутахассис моделига (касбий йўналганлик, ижтимоий йўналганлик, ижтимоий сифат ва хусусиятлар) таянилди ва мустақил таълим жараёнида талабаларнинг фаолияти қуйидаги йўналишларга ажратилди: ўқув, илмий, жамоатчилик ва ижодий фаолият. Ўқув фаолияти талабаларнинг маъруза давомида ўзлаштирилган маълумотларга қўшимча тўлдиришларни шакллантириши, савол-топшириқларга жавоб топиши ва турли шаклларда ифодаланиши ва бошқа ўқув топшириқларини ўзида мужассам этади. Илмий фаолият моҳияти талабаларнинг мақолалар ёзиши, ўқиши, соҳага оид адабиётлар рўйхатини тузиши ва илмий-амалий топшириқларни ўз ичига олади. Жамоатчилик фаолияти талабаларнинг таянч муассасаларда байрам саналарига бағишланган тадбирларни ташкил этиш учун зарур материалларни излаш,

топиш, сценарий тайёрлаш, жараённи ўзини ўтказиш ёки олий таълим муассасасида режалаштирилган тадбирларда иштирок этиши билан боғлиқ топшириқларни қамраб олади.

Бўлажак логопедларнинг мустақил таълими қуйидаги мақсадларни кўзда тутиши лозим: талабаларнинг билиш имкониятлари ва фаолликларини ривожлантириш (ижодий ташаббус, масъулият, мустақиллик); уларда ўзини намоён қилиш, мустақил фикрлаш, адабиётлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш ҳамда билимларни умумлаштириш, мустақил излаш, эгаллаш кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бўлажак логопедлар мустақил таълимининг қуйидаги вазифалари ажратилди: 1) ривожлантирувчи; 2) ахборотли ўқитиш; 3) мотивацион; 4) тарбияловчи; 5) тадқиқотчилик (1-расм).



**1-расм. Бўлажак логопедларнинг мустақил таълими вазифалари**

Мустақил таълим даврида талабалар фаолиятини икки йўналишда ташкил қилиш лозим: ўқитувчи томонидан ташкил этиладиган ва модул ўқув методик комплексида мавжуд топшириқларга асосланган; талабанинг ўқитувчи ёрдами ва назоратсиз ҳаракатлар режасини тузиш ва амалга ошириш. Талабаларнинг мустақил таълим даврида бажарадиган топшириқлари қуйидагича даражаланди:

репродуктив даража: намуна асосида топшириқларни бажариш, масалан, вазиятни таҳлил қилиш, жадвал тўлдириш, “Қасбим кафтимда”, “Қамалак” технологияларидан фойдаланилди;

лойиҳалаш даражаси: ушбу даражада талабаларнинг фаолияти муаммоларни ҳал этиш йўллари қайта кўриши, режа тузиши, мақола, аннотация, реферат ва бошқа ишларни бажаришида намоён бўлади. Репродуктив даражага нисбатан ушбу даража топшириқларида ўқитувчининг назорати камаяди. Шу билан боғлиқ равишда, ушбу даража топшириқларнинг бажарилишида талабаларнинг мустақиллиги ўсиб боради. Демак, репродуктив ўқув топшириқлари

талабаларнинг касб оламига киришининг бошланғич даври бўлса, лойиҳалаш даври касбий фаолият учун “кўприқдир”;

ижодий даража: ушбу даража топшириқлари янги маълумотларни ва муаммоли вазиятни таҳлил қилишни тақозо этади. Талаба муаммо ечимини топиш усули, воситаларини мустақил танлайди.

“Логопедия” модули бўйича талабалар мустақил таълимини ташкил этишда қатор умумдидактик-классик ва хусусий (шахсга йўналганлик, рефлексивлик, мотивацион йўналганлик, мақсадли мониторингнинг устуворлиги, соғлом рақобат ва самарали реклама) тамойилларга асосланилди.

Диссертациянинг **“Бўлажак логопедларни тайёрлашда мустақил таълим самарадорлигини ўрганиш бўйича тажриба-синов ишлари мазмуни”** номли 2-бобида тажриба-синов ишлари мақсади, босқичлари ва усуллари баён этилди. Таъкидловчи тадқиқотнинг мақсади “Логопедия” ўқув модули таркибидаги мустақил таълим жараёнининг ташкил этилиш ҳолатини ўрганиш этиб белгиланди. Таъкидловчи тадқиқотнинг вазифалари: “Логопедия” ўқув модули мазмунини таҳлил қилиш; олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мустақил таълимни ташкил этишга доир фаолиятларини таҳлил қилиш; талабаларнинг мустақил таълимга муносабатини анкеталар орқали ўрганишга ҳамда уларнинг модулга оид билим, кўникма, малака ва компетенциялари даражаларини савол-топшириқлар орқали таҳлил қилишдан иборат бўлди.

Тажриба-синов ишлари 2 босқичда олиб борилди: олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мустақил таълимни ташкил этишга доир фаолиятларини таҳлил этиш; талабаларнинг мустақил таълимга муносабатини анкеталар орқали ўрганишга ҳамда уларнинг модулга оид билим, кўникма, малака ва компетенциялари даражаларини саволлар орқали таҳлил қилишга йўналтирилди.

Тадқиқ этилаётган муаммони асослаш мақсадида олиб борилган кузатув ишларининг дастлабки натижаларидан аён бўлдики, олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва талабаларининг мустақил таълим фаолиятини мақсадли режалаштиришга етарли эътибор қаратмаяптилар.

Диссертациянинг 3-боби **“Логопедия” ўқув модули бўйича талабалар мустақил таълимини инновацион ёндашувлар асосида ташкил этишнинг педагогик имкониятлари**” деб номланган бўлиб, унинг мазмунида мустақил таълим жараёнида лойиҳа ва ахборотлар билан ишлаш технологияларидан фойдаланишнинг методик хусусиятлари ёритилган.

“Логопедия” модулини ўқитиш ва талабаларнинг мустақил таълими жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланилганда, талабаларда қуйидаги касбий фаолиятга зарур натижаларга эришилади: илмий-тадқиқотчилик кўникма ва малакалари шакллантирилади; турли манбалар билан ишлаш, керакли маълумотларни излаш, топиш, танлаш, қўллаш кабиларга шароит яратилади; эгалланган назарий билимларни амалиётда қўллай олиш, улардан самарали фойдаланишга интилиш таркиб топади; логопедик билимларини ҳаётий вазиятларда қўллай олиш кўникма ва малакалари ривожланади; фаолиятни илмий башоратлаш, натижаларни олдиндан кўра билиш

қобилиятлари ривожланади; касбга доир ва ёндош соҳаларда билим эгаллашга бўлган мотивацияси кучайтирилади; олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва талабаларда прогностик, таҳлилий, диагностик, синтетик, коммуникатив, ижодкорлик каби касбий сифатлар ривожланади.

Лойиҳа технологияси асосида бўлажак логопедларда илмий-тадқиқотчилик кўникма ва малакаларини шакллантириш қуйидаги билиш жараёнлари компонентларини тақозо этади: илмий фаразни шакллантириш, анализ, қиёслаш, маълумотларни тўplash, қайта ишлаш, тажрибалар ўтказиш ва натижаларни умумлаштириш ва б. Бўлажак логопедларнинг мустақил таълим жараёнида ўз фаолиятини лойиҳалашга ўргатиш қуйидаги босқичларда ташкил этилди: мотивацион, конструктив, коррекцион, рефлексив.

### 1-жадвал

#### Мустақил таълим даврида талабалар томонидан бажарилган лойиҳалар ва уларнинг бажарилиш шаклларида намуналар

Мавзулар	Тавсия этилган лойиҳалар	Лойиҳа муддати	Хисобот шакли
Товушларни нутққа қўйиш	“Мақолада доиралар” технологияси	1 ҳафта	Мақолалар галереяси
	“Тушунчалар изоҳи”	1 ой	Изоҳли луғат
	Касбим кафтимда	1 семестр	Ишланмалар галереяси
Товушларни нутқда мустаҳкамлаш	“Белгили картотека” технологияси	1 ҳафта	Қўл ишлари
	Портфолио олимларга оид	1 ой	Портфолио жамланмаси
	Портфолио логопат болалар	1 семестр	Портфолио жамланмаси
Товушларни бартараф этиш методикаси	“Ҳаёт чизиғи” технологияси	1 ҳафта	Боладаги ўзгаришлар динамикаси
	Айспринг тестлар	1 ой	Тестлар тузиш
	Тезис	1 семестр	Қўлёзма ёки нашр

Таълимий тадқиқот жараёнида лойиҳаларнинг қуйидаги турларидан фойдаланилди: ўқув модуллари мазмуни бўйича топшириқларни бажаришга мўлжалланган лойиҳалар: модул ичида интеграциялашган; модуллараро алоқадор - ташқи интеграциялашган лойиҳалар: модулларга оид ўқув топшириқларни бажаришга мўлжалланган лойиҳалар: ўқув лойиҳаси (ёзма ишлар, схемалар, адабиётлар рўйхати...); илмий лойиҳа (тезислар, мақолалар, тақриз...). 3. Ўқув топшириқларининг бажарилишига кетган вақтнинг ўлчамлилигига нисбатан

лойихалар турлари: қисқа муддатли, мини-лойихалар (1 ҳафта ёки кейинги дарсгача бажарилиши кўзда тутилган лойиха); узоқ муддатли лойихалар (семестр мобайнида бажарилади, якуний шакли тақдимот ва бошқа шакллардаги ишларни кўзда тутадиган лойихалар) (1-жадвалга қаранг).

Бўлажак логопедларнинг фаолиятларини ташкил этишга нисбатан қуйидаги лойихалардан фойдаланилди:

касбга оид ахборот билан ишлашга оид лойихалар: маълумотни топиш, тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, танлаш, ишлатиш, узатишни назарда тутувчи топшириқлар;

талабаларнинг изланувчилик фаолиятини тақозо этувчи лойихалар: илмий изланишларни ва уларнинг тузилишини ўрганиш, мавзуга оид тавсиялар, тажрибаларни ўрганиш, танлаган мавзунинг мақсади, объекти, предмети, вазифалари, усуллари, босқичларини шакллантириш;

талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга мўлжалланган лойихалар: байрам саналарига бағишланган ёки касбга оид тадбирлар сценарийларини ёзиш, оммавий ахборот воситаларида чиқишни тайёрлаш, ўз ижодий ишлари асосида кўрғазмалар тайёрлаш ва ҳ.к.

Таълимий тадқиқотга доир тажриба-синов жараёнида ўқув фаолиятни ташкил этувчи қуйидаги шакллардан самарали фойдаланилди: веб-квест, конференция дарслари, онлайн-вебинарлар, дарсдан ташқари “Мастер класс”лар, “Бўлажак логопед минбари” каби тадбирлардан фойдаланилди. Бундан ташқари, қуйидаги интерфаол методлар талабаларнинг мустақил таълимини самарали ташкил этишда қўлланилди: “Мақолалар галереяси”, “Эйлер диаграммалари”, “Мозаика”, “Идрок харитаси”, “Меню”, “Касбим кафтимда”.

Таълимий тадқиқот давомида мустақил таълим самарадорлигини оширишнинг компонентлари, тамойиллари ва замонавий технологиялардан таркиб топган модел амалиётга жорий этилди (2 расм).

Диссертациянинг мазкур бобида талабаларнинг ахборотлар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш иш босқичлари, мазмуни, усул ва воситалари ҳамда технологиялари баён этилди. Талабаларда илмий тадқиқотчилик фаолиятини самарали ташкил этишда уларнинг кутубхонада ишлаш иштиёқини кучайтиришга таъсир этувчи йўллари татбиқ этилди.


Кутубхонада ишлашнинг рационал ҳаракатлари тизимини буклет тарзида тайёрланди. Ушбу буклетда талабалар учун касбий фаолиятга ёки ёзма ишларни тайёрлашга зарур адабиётлар рўйхатини тузиш учун кўрсатмалар ҳам тақдим этилди. Ахборотларни қайд қилиш талабаларга ўқув ва илмий лойихаларни бажаришда қўл келди.

“Логопедия” модули бўйича талабаларнинг мустақил таълимини самарали ташкил этишга оид олиб борилган таълимий тадқиқот натижалари муаммони ўрганишга оид дастлабки таъкидловчи тадқиқот натижалари билан қиёсий таҳлил этилди. Олиб борилган “Логопедия” модули бўйича талабалар мустақил таълимини самарали ташкил этишга оид таълимий тадқиқотнинг ҳаққонийлигини асослаш мақсадида олинган натижалар математик қайта ишланди.

## Олий таълимда мустақил таълимни самарали ташкил этиш модели

Ижтимоий буюртма: Логопедия соҳасида компетентли мутахассис тайёрлаш

Мақсад: мустақил таълим самарадорлигини ошириш орқали талабаларни касбий фаолиятга самарали тайёрлаш



2-расм. Олий таълимда мустақил таълимни самарали ташкил этиш модели

Олиб борилган тадқиқот иши самарадорлиги талабаларда модулга оид билим, кўникма ва малакаларининг ривожланганлигини махсус ўқув топшириқлари асосида “юқори”, “ўрта” ва “паст” мезонлари бўйича баҳоланди (2-жадвалга қаранг).

Ўтказилган тажриба-синов натижаларига асосланган ҳолда логопедия йўналиши талабаларида мустақил таълим даврида касбий компетенцияларининг ривожланганлик даражалари самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштиришларини Стьюдент ва Пирсоннинг  $\chi^2$  математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этилди.

Тажриба-синовда жами 150 нафар талабалар қатнашди. Шундан, тажриба гуруҳида 75 нафар талабалар иштирок этган бўлса, назорат гуруҳида 75 нафар талаба иштирок этди.

## 2-жадвал

### Логопедия йўналиши талабаларида мустақил таълим даврида касбий компетенцияларининг ривожланганлик даражалари самарадорлигини аниқлаш юзасидан тажриба ва назорат гуруҳларининг ўзлаштириш натижалари

№	Даражалар ОТТ	Юқори				Ўрта				Паст			
		ТГ	%	НГ	%	ТГ	%	НГ	%	ТГ	%	НГ	%
1	Жиззах ДПИ	9	36	6	24	9	36	7	28	7	28	12	48
2	Кўкон ДПИ	10	40	4	16	9	36	6	24	6	24	15	60
3	Тошкент ДПУ	10	40	5	20	8	32	7	28	7	28	13	52
	Ж а м и:	29	38,7	15	20	26	34,7	20	26,7	20	26,6	40	53,3

ТГ – тажриба гуруҳи; НГ – назорат гуруҳи.


Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири тажриба гуруҳидаги талабалар билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса, назорат гуруҳи талабалари билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

Талабаларнинг тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи  $H_1$  гипотеза ва унга зид бўлган  $H_0$  гипотеза танланади. Тажрибадан олдинги ва кейинги тажриба ва назорат гуруҳидаги натижаларни қуйидаги жадвалда акс эттирамыз (3-жадвалга қаранг):

**Логопедия йўналиши талабаларида мустақил таълим даврида касбий компетенцияларининг ривожланганлик даражалари самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўзлаштириш натижалари**

Муддати	Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
			Юқори	Ўрта	Паст
Тажрибадан олдин	Тажриба гуруҳи	75	10	14	51
	Назорат гуруҳи	75	11	15	49
Тажрибадан кейин	Тажриба гуруҳи	75	29	26	20
	Назорат гуруҳи	75	15	20	40

Бу танланмаларга мос диаграмма қуйидагича кўриниш олади:



### 3-расм. Тажрибадан олдинги ва кейинги натижалар

Олинган натижалар математик-статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стьюдентнинг танланма мезони, Стьюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик критерийси ва ишончли четланишлари топилди.

Тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидагига нисбатан  $(70,3 - 55,6) \% = 14,7\%$  га юқори экан. Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, логопедия йўналиши талабаларида мустақил таълим даврида касбий компетенцияларининг ривожланганлик даражалари самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди.

## ХУЛОСА

“Логопедия” ўқув модули таркибидаги мустақил таълим самарадорлигини оширишнинг самарали технологиялари ҳамда замонавий ёндашувларини амалиётга татбиқ этиш орқали қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мустақил таълим бугунги кунда олий таълимнинг алоҳида бир блоки сифатида тан олинмоқда. Мустақил таълимни самарали ташкил этишда жаҳон таълим амалиётининг илғор тенденциялари муҳим омил ҳисобланади. Бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда мустақил таълим кенг ижтимоий, педагогик, мотивацион имкониятлар тақдим этади. Хусусан, мустақил таълим талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришда аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларнинг мазмунан боғлиқлиги ҳамда амалий йўналганлигини таъминланди.

2. Назарий ва амалий маълумотлар, миллий ҳамда хорижий тажрибани таҳлил этиш орқали компетент логопед-ўқитувчига қуйидагича таъриф берилди: “Компетент логопед ўзининг устида мунтазам ишлайдиган, касбий маҳоратини ривожлантиришни қадрият даражасига кўтарган, коррекцион-педагогик жараёнини нафақат лойиҳалаштирадиган, балки уни самарали бошқарадиган, таълимга давлатнинг бўлган ижтимоий буюртмасини, замон талабларини, инновацион ёндашувларни тез фурсатда илғаб, уни ўз амалиётига мослаштирган тарзда қўллай оладиган мутахассисдир”.

3. Амалиётда ОТМ ўқитувчилари учун мустақил таълим жараёнида бўлажак логопедларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришни таъминлаш имконини берувчи иш босқичларини ажратиб олиш эҳтиёжи мавжуддир. Мустақил таълимда педагогик жараёнларни ташкил этиш, сифат ва самарадорлигини таъминлашда қуйидаги иш босқичлари тақлиф этилди: субъектлар (ўқитувчи ва талаба) фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш (дарсда ва дарсдан кейин), назорат қилиш (даврий олиб бориладиган иш турлари: суҳбат, консультация, “Мастер класс”лар, “Устоз-шогирд” соатлари...) ва объектив баҳолаш (ўз-ўзини баҳолаш, бошқа талабалар фаолияти ва уларнинг натижаларини намойиш қилиш орқали таққослаш...), рағбатлантириш (маънавий, мотивацион, стимуллаштириш), талабаларнинг илмий-тадқиқотчилик фаолиятини мувофиқлаштирди.

4. Мустақил таълим жараёнида олинган натижалар асосида бўлажак логопедларнинг тизимли, алгоритмик-педагогик фаолиятлари, мақсадли хатти-ҳаракатларини даврий тузатиб бориш, айрим соҳаларини ривожлантириш талаб этилади. Бу олий таълим муассасаси ўқитувчисидан ҳар бир талабанинг бажарган ишини кўриб чиқишни ҳамда унинг қизиқишини пасайтирмаган ҳолда керакли тузатишларни киритишни тақозо этади. Энг муҳими, олий таълим муассасаси ўқитувчиси талабанинг касбий мотивацион интилишини

сўндириб қўймайдиган ёндашувларга таяниши мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

5. Мустақил таълим даврида ўқув жараёнини тайёрлашда лойиҳа технологиясини қўллаш ҳам ўз ижобий натижасини берди. Талабаларнинг таълим олишга бўлган мотивациясини рағбатлантириш, ўрганилаётган соҳага оид ўқув материаллари бўйича касбий билимларни ўзлаштириш кўрсаткичини ошириш имконияти кенгайди. Талабаларда танқидий фикрлаш, фаоллик, шахсий, гуруҳ шаклидаги мустақил ишларда ўзини намоён қилиш, бевосита ва билвосита интерфаол ўқув муҳитида қулай ҳаракатланиш, рефлексив, метакогнитив тажрибаларни эгаллаш қобилиятини шакллантириш учун дидактик таъминотга эришилди. Таълим ўзгарувчанлигини таъминлаш, назарий ва амалий тавсифдаги фанлараро вазифаларни ҳал этиш, рецептив, продуктив фаолиятни ривожлантириш, ижобий муносабатни шакллантириш, ўқув материалларини ўзлаштириш стратегиясини тўғри ва ўринли танлаш имконини берди.

6. Бўлажак логопедларни мустақил таълим амалиётига самарали тайёрлашда лойиҳа технологияси талабаларда интеллектуал салоҳиятни, замонавий ўқитиш, ахборот коммуникацион технологиялари, интернет ресурслари имкониятларидан фойдаланиш малакаларини ривожлантиради, қўшимча адабиётлар ва манбалар билан ишлаш кўникмаларини шакллантиради, ўқитувчилар томонидан ўрганишга берилган материалларнинг муҳим ғояларини саралашни, таҳлил қилишни, қиёслашни таркиб топтиради; ўрганилаётган модулни кенг қамровли тарзда ўрганишга мотивацияни ҳосил қилади.

7. Талабаларнинг мустақил таълимини самарали ташкил этишда олий таълим педагогларининг лойиҳалаш технологиясига оид касбий компетенцияга эга эканлиги муҳимдир. Яъни ўқитувчи талабанинг мустақил ишини самарали ташкил этишни билиши лозим. Бу жараёнда олий таълим ўқитувчисига лойиҳалаш технологияларининг кўникмалари қўл келади. “Логопедия” модулига оид касбий компетенцияларни талабаларда шакллантиришда “Белгили картотека”, “Мақолалар доирачада”, “Веб-квест” технологияларнинг дидактик имкониятлари катта. “Эйлер диаграммалари”, “Мозаика”, “Идрок харитаси”, “Меню”, “Касбим кафтимда” каби ахборотлар билан ишлашнинг инновацион технологиялари амалиётга жорий этилди. Ушбу технологияларнинг самарадорлиги таълимий тадқиқот натижаларида ўз исботини топди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01. 2020.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**КОКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**МАХМУДОВА МАДИНАХОН САБИРХАНОВНА**

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ В ПОДГОТОВКЕ БУДУЩИХ ЛОГОПЕДОВ**

**13.00.03 - Специальная педагогика**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО  
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинета Министров Республики Узбекистан под № B2020.2.PhD/Ped1586.**

Диссертация выполнена в Кокандском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz) и информационно-образовательном портале "ZiyoNet" [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

**Научный руководитель:**

**Аюпова Мукаррам Юлдашевна**  
кандидат педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Кадилова Феруза Усмановна**  
доктор педагогических наук (DSc), доцент

**Шокирова Шахноза Дилмуродовна**  
доктора философии по педагогическим наукам,  
и/о доцент

**Ведущая организация:**

**Жиззакский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится \_\_\_\_\_ 202\_\_ года в \_\_\_ часов \_\_\_\_\_. на заседании Научного совета DSc.27.06.2017. Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете в комплексе Научного совета (Адрес: 100185, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунедкор, 27-й дом. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, адрес электронной почты: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz))

Ознакомиться с диссертацией можно в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирован под номером \_\_\_\_). Адрес: 100011, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунедкор, 27-й дом. Тел.: (99871) 276-75-87; факс: (99871) 276-80-86

Автореферат диссертации разослан "\_\_\_" \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ "\_\_\_\_\_" \_\_\_\_\_ 2020 года)

**Б.С.Абдуллаева**  
Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д. п. н., профессор

**Р.Г.Исянов**  
Учёный Секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
к. п. н., доцент

**Л.Р.Муминова**  
Председатель научного семинара  
при Научном совете  
по присуждению ученых степеней,  
д. п. н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В высших образовательных учреждениях мира внедряются в практику технологии развития профессиональных компетенций будущих дефектологов, механизмы мотивационной коррекции. На основе принятой ЮНЕСКО Инчхонской Декларации в рамках задач, направленных на обеспечение получения образования людьми на протяжении всей жизни осуществляется системная работа по внедрению проектов по качественной организации и интенсивному развитию организации образования детей с ограниченными возможностями наряду со здоровыми, повышению эффективности самостоятельного образования, развитию профессиональных компетенций будущих дефектологов<sup>3</sup>.

В ведущих высших образовательных и научно-исследовательских учреждениях мира проводятся научные исследования в области развития образовательных технологий, повышения эффективности самостоятельного образования, совершенствования профессиональных компетенций будущих дефектологов. В США, Германии, Японии, России уделяется особое внимание научным исследованиям в области эффективного использования вариативного подхода к развитию профессиональных компетенций будущих дефектологов, подготовки к коррекционному образованию посредством содержательно модернизированного самостоятельного образования, созданию дидактического обеспечения развития профессиональной мотивации в высшем образовании, совершенствованию педагогических механизмов подготовки конкурентоспособных дефектологов, а также совершенствованию технологий обучения детей в физической или психологическом развитии.

В нашей республике создаются нормативные основы совершенствования содержания высшего образования на базе передовых зарубежных тенденций, внедрения эффективных технологий развития профессиональных компетенций обучаемых, организации на основе инновационных подходов деятельности студентов в процессе самостоятельного образования. Коренное улучшение системы высшего образования наряду со всеми звеньями и видами образования, внедрение в данный процесс инновационных технологий определены приоритетными задачами<sup>4</sup>. В результате, созданы широкие возможности для повышения эффективности самостоятельного образования, совершенствования технологий развития профессиональных компетенций будущих дефектологов.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики

---

<sup>3</sup> <https://education-uzb.pdf/>

<sup>4</sup> Указ Президента Республики Узбекистан. о стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. №УП-4947. 7 февраля 2017 года. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5270 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы государственной поддержки лиц с инвалидностью» от 1 декабря 2017 года, №УП-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-4860 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования и воспитания детей с особыми образовательными потребностями», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информатизированного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** Ученые нашей республики Б.С.Абдуллаева, О.А.Абдукудусов, М.Аюпова, У.Ш.Бегимкулов, В.У.Ёдгоров, Ж.Бурунов, М.Хакимова, А.Холиков, С.Ю.Махмудов, Н.Муслимов, Л.Мўминова, Д.Нуркелдиева, Д.Назарова, Н.Рахмонкулова, Б.Сатторова, Ш.С.Шодмонова, Д.Якубжонова исследовали концептуальные аспекты развития профессиональных компетенций будущих специалистов в системе высшего образования.

Вопросы организации самостоятельной деятельности при подготовке в высшем образовании будущих специалистов к профессиональной деятельности изучали В.Андреев, С.М.Булавина, В.Б.Большов, В.Й.Гусева, М.Е.Дмитриев, Б.П.Есипов, Я.А.Каменский, Н.Н.Крижевская, Н.В.Кузьмина, В.М.Максименко, Л.М.Митина, Н.А.Одиноква, Л.А.Осипова, М.В.Перова, П.И.Пидкасистый, Е.И.Рогов, Г.К.Селевко, В.А.Слестенин, Р.Б.Срод, П.В.Суханов, Н.В.Тарасова, В.Д.Щадриков, Л.В.Циганова и др.

Психолого-педагогические проблемы развития профессиональных компетенций в процессе самостоятельного образования будущих специалистов и рекомендации по внедрению педагогических технологий нашли свое отражение в работах таких зарубежных исследователей, как S.Boyko, H.Brown, E.B.Dangauzer, C.Forlin, H.Glane, L.Gladun, M.I.Moro, T.B. Rixter, I.E.Unt, M.A.Veyt.

**Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках проекта ИТД-1-61. «Внедрение инновационных образовательных моделей в процесс подготовки бакалавров и магистров по направлению образования Дефектология» плана научно-исследовательских работ Ташкентского государственного педагогического университета (2013-2014 гг.).

**Цель исследования** заключается разработка рекомендаций в совершенствовании технологий по повышению эффективности самостоятельного образования при подготовке будущих логопедов.

### **Задачи исследования:**

проанализировать психологическую и педагогическую научную, методическую литературы, отечественный и зарубежный опыта по проблеме исследования;

выявить социально-педагогические аспекты повышения эффективности самостоятельного образования при подготовке будущих логопедов;

совершенствовать механизмы интенсивного развития навыков и умений будущих логопедов в области самостоятельной работы с информацией и профессиональной деятельности;

